

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TAILIM
VAZIRLIGI**

SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

BAJARUVCHI: 2-kurs talabasi

Qobilova M.

Tekshirdi: Nabiev F.

REFERAT





“Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур.

Яъни ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир”

И.КАРИМОВ



**Ўтиб бораётган ҳар бир
йилнинг ўзига ҳос ном
билан аталиши**

ва

**Давлат дастурларининг
қабул қилиниши**

ҳамда

**уларни изчиллик билан
амалга ошириб
келиниши:**



**биринчидан,
мустақил Ўзбекистон
ривожланишининг навбатдаги
тарихий босқичи бўлган яна
бир йилимизнинг
ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий
жабҳаларида бевосита
фуқароларимиз иштирокини
амалга ошираётганлиги
кўрсаткичи бўлса,**



ИККИНЧИДАН,

**Республикаимизнинг халқаро
ҳамжамият кўз ўнгида юртимизда
олиб борилаётган ислохатларни
яна бир бор илмий нуқтаи
назардан таҳлил қилиш объектига
айланганлиги**

ҳамда

**бу оқилона сиёсатдан андоза олиб,
ўзида қўллаш тажрибаси бошқа
мамлакатларда ҳам
кузатилаётганлиги
экспертлар томонидан такрор ва
такрор эътироф этилмоқда.**



“Обод турмуш йили” Давлат

дастурининг 6-бўлимида бевосита маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, маҳаллани обод қилиш, маҳаллада яшайдиган аҳолининг ўзини ўзи бошқариш тизимини, ижтимоий ҳимоялашни янада такомиллаштириш, фуқароларимизнинг фаровон турмуш кечириши учун яратиб берилаётган шарт-шароитларни тубдан яхшилаш борасида муҳим чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш назарда тутилган.



“Обод турмуш йили” Давлат дастурининг 63 бандида

**“Замонавий маҳалла”
меъморчилик-
режалаштириш андозавий
чизмаларини ишлаб чиқиш
белгиланган.**




“Обод турмуш йили” Давлат дастурининг 67 бандида

**фуқаролар йиғинларини компьютер
жамланмаси ҳамда мебеллар билан
тўла жиҳозлаш, жойлардаги давлат
ҳокимияти органларига берилган
бинолардан 500 тасини қайта
таъмирлаб, уларни фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари
балансига ўтказиб бериш кўзда
тутилган**




“Обод турмуш йили” Давлат дастурининг 69 бандида


Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ҳамда шонли саналарда 1500 та кам таъминланган оилага, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида 2 минг нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига совғалар улашиш, уларнинг маданий-маърифий тадбирларда иштирок этишини таъминлаш(фонд томонидан 550 млн. сўм),




шунингдек, ҳар бир ҳудудда 10 тадан кам таъминланган оилани маиший электр техникаси билан таъминлаш (*140 млн. сўм*), маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, жумладан 2013-2014 йилги кузги-қишги мавсум арафасида уларнинг уйларида (квартираларида) тезкор бепул таъмирлаш ишларини бажариш (*150 млн. сўм*) белгиланган.



*Республика маҳаллаларида
яшовчи кам таъминланган
оилалардан 600 нафар бола
бепул соғломлаштириш
оромгоҳларда дам олишлари
ишларини ташкил этиш ҳам
режалаштирилган.*




*Мамлакатимизнинг тарихий
шаҳарлари Хива, Тошкент,
Самарқанд, Бухоро, Қўқон,
Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз,
Қариши шаҳарларига 40 минг та
кам таъминланган оилалар ва
аҳолининг ижтимоий муҳтож
қатламлари учун саёҳат
гуруҳларини ташкил кўзда
тутилган.*



Шунингдек, ҳар бир минтақада 50 тадан кам бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш oilаларга никоҳ тўйларини ташикил этиши ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида ҳомийлик кўмаклари кўрсатиши (400 млн. сўм), кам таъминланган oilаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари тавсиясига асосан бир бошдан қорамол ажратиши (1890,0 млн. сўм) режаслаштирилган.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида

Шаҳарлар, қўрғонлар ва туман марказларида мавзелар (маҳаллалар) ичида ташқи ёритиш тармоғини янги энергия тежовчи технологиялар билан жиҳозлаш ва кенгайтириш, маҳалла ичидаги йўлларга ва махсус ажратилган “яшил” майдонларга ҳар йили 15 млн. та манзарали ва 29,5 млн. та мевали дарахт, шунингдек, 10 млн. туп бута ва гуллар экиш белгиланган. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида 1 млрд. сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.



“Обод турмуш йили” Давлат дастурида
*ҳар бир туманда (шаҳарда) аввалдан
мажсуд болалар майдончаларини қайта
таъмирлаш, ҳар бир туманда (шаҳарда)
2 тадан 4 тагача, ҳар бир вилоят
марказида ва Нукус шаҳрида 20 тагача,
Тошкент шаҳри туманларида 50
тагача янгисини қуриш, уларни
ободонлаштириш,
кўкаламзорлаштириш, зарур
ҳолатларда кўшимча бинолар, мини
футбол, баскетбол, волейбол
майдончалари қуриш вазифалари ҳам
белгиланган*



Маҳаллани ободонлаштиришда фуқаролар йиғинлари асосий вазифалари:

***Биринчидан, маҳалланинг
худудларни
ободонлаштиришдаги
фаоллигини янада ошириш,
корхоналарнинг фуқаролар
ўзини ўзи бошқариш органлари
олдидаги нафақат экологик,
балки бошқа масалалар бўйича
ҳам масъулиятини
кучайтириш;***



***Иккинчидан, фуқароларда,
айниқса, ёшларда экологик
маданиятни шакллантириш,
гигиеник қоидаларга риоя
этилишида, аввало, оилалар
масъулиятини оширишга
қаратилган чора-тадбирларни
амалга ошириш;***



**Учинчидан, атроф-муҳитни
ораста сақлаш ҳамда бу борада
маҳаллаларда тарғибот-
ташвиқот ишларини янада
кучайтириш мақсадида обрўли
инсонлар, нуронийлар,
фахрийлар тажрибасидан
унумли фойдаланиш;**



Тўртинчидан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш амалиётини янада такомиллаштириш, бу борада корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш;



***Бешинчидан, фуқаролар ўзини
ўзи бошқариш органлари,
тегишли ҳудуддаги ерларнинг
фойдаланилиши ва муҳофаза
этилиши, шунингдек,
иморатлар қуриш қоидаларига
риоя этилиши устидан
жамоатчилик назоратини
амалга оширишни йўлга
қўйиш;***



***Олтинчидан, фуқаролар йиғинлари
хузуридаги Экология ва табиатни
муҳофаза қилиш,
ободонлаштириш ҳамда
кўкаламзорлаштириш масалалари
бўйича комиссия масъулияти
янада ошириш, белгиланган
вазифалар ижросини
таъминлашда тегишли
ташкилотлар билан ҳамкорликни
тизимли ташкил этиш***



***Еттинчидан, маҳаллаларда
жамоатчилик ёрдамида тез-тез
ҳашар уюштириш амалиётини
изчил давом эттириб, ҳудудларда
кўчатлар экилиши, ҳовли-жой ва
кўчаларнинг озодалиги, аҳоли
хонадонларидан чиқадиган
ахлатларнинг чиқиндихоналардан
ўз вақтида махсус жойларга олиб
чиқиб кетилишини бўйича
назорат олиб боришдан иборатдир***

Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳамкорлик йўналишлари.

Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси – ҳоким ўринбосари

Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси

раиси =

= Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси

Маҳалла

маслаҳатчиси

Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси =

= Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти кенгаши

Хотин-қизлар
масалалари
бўйича кўча
(кўп қаватли уй)
бошлиқлари ва
“Камолот”

Оилалар
билан
ишлаш

Худудда
жойлашган
оилавий
поликлиника
ХҚҚ бошлан-
ғич ташкилоти
ва “Камолот”

Аёллар ва
ёшлар ўртасида
соғлом турмуш
тарзини
шакллантириш

Маҳалла
профилактика
Нозири ва
“Камолот”

Аёллар ва ёшлар
ўртасида
жиноятчиликни
олдини олиш

Маҳалла
меҳнат
инспектори
ва “Камолот”

Аёллар ва
ёшларни иш
билан
бандлигини
таъминлаш

Худуддаги
ўқув
муассасаси
ХҚҚ
бошланғич
ташкилоти
ва “Камолот”

Ёшларни
маънавий ва
интеллектуал
жихатдан
ўстириш

ҲАМКОРЛАР





*Мавжуд муаммолар ва
бу борадаги
ҳамкорликдаги
фаолият вазифалари.*

1. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги Давлат дастурларининг, Қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлашдаги ташаббускорлик, ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлар моҳиятини оммага етказиш.




2. Маҳалладаги хотин-қизлар ва ёшлар ҳаётига тааллуқли салбий кўрсаткичларни пасайтиришга эришиш.

3. Оилани мустаҳкамлаш ва ёшларни турмушга тайёрлаш бўйича ишларни тизимли ташкил этиш.



4. Тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда, миллий қадрият ҳамда анъаналарга риоя қилиб, ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасида доимий иш олиб боришда маҳалла фуқароларининг фаоллигини ошириш.




**5. Маҳаллаларда оилавий
тадбиркорликни
ривожлантириш, хотин-қизлар
ва ёшлар бандлигини
таъминлаш.**

**6. Таълим муассасалари ва касб-
ҳунар коллежлари ўқувчиларини
дарсларга қатнови,
битирувчиларни ишга
жойлаштиришдаги маъсулият.**




7. Маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкиллаштириш.

8. Маҳаллада оилага кириб бориш, оилавий низоларни бартараф этиш, боқувчисиз, ёлғиз қолган аёлларни ҳимоялаш, отасиз ёки онасиз қолган болалар тарбиясини назорат қилиш.



**9. Оила-турмуш доирасида
ҳуқуқбузарлик содир қилувчи
шахслар билан ишлаш.**

**10. Фарзанди тарбиясига
салбий таъсир кўрсатувчи ота-
оналарнинг мавжудлиги.**



**11. Экстремистик оқимларга
мансуб бўлган шахсларнинг
мавжудлиги.**

**12. Ёш йигит-қизларимизда
муомала ва кийиниш
маданиятининг етарли
даражада эмаслиги.**



***ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАЎМАТ!***